



# ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал  
2022/1 (№21)

*Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадрини учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буюн ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.*

*Албатта, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.*

*Инсон қадрини деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунаемиз.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев**

Журналимизнинг мазкур сонида Ўзбекистон миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт тамойилларини амалга ошириш жараёнининг долзарб масалалари” мавзuida 2022 йил 10 июнда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

## Таҳрир хайъати:

**М.Н.Абдуллаева** -

*ф.ф.д., профессор*

**Б.Т.Тўйчиев** -

*ф.ф.д., профессор*

**Ж.С.Рамагов** -

*ф.ф.д., профессор*

**Г.Т.Махмудова** -

*ф.ф.д., профессор*

**В.Р.Топилдиев** -

*ю.ф.д., профессор*

**Қ.Н.Назаров** -

*ф.ф.д., профессор*

**Р.Ж.Рўзиев** -

*ю.ф.д., профессор*

**А.Ў.Ўтамурадов** -

*ф.ф.н., профессор*

**Ў.Ф.Гиладов** -

*ф.ф.д., DSc*

## Бош муҳаррир:

**А.Г.Муминов** -

*с.ф.д., профессор*

Му а с с и с: Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,

Университет кўч., 4.

<https://nuu.uz/falsafa-va-huquq-jurnali/>

E-mail: [falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz](mailto:falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz)

**ISSN 2181-7294**

**Босишга 20.07.2022 да берилди**

*Бичими 60x84 Offset қозоғи. ЎзМУ босмахонасида  
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 23,75  
б.т. Наширёт ҳисоб табоғи 30 б.т. Адади 50 нусха.  
Буюртма № 177*

Журнални нашрга тайёрловчилар  
**Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев**

<b>Каланова С. М.</b>	<i>Жамиятда авлодлар алмашинувининг социологик моҳияти</i>	106
<b>Сейтов А.П.,</b> <b>Саидахматова М.К.</b>	<i>Развитие ИКТ в Узбекистане как вектор развития теоретической мысли</i>	110
<b>Мамарасулов У. У.</b>	<i>Sport qoidalarining estetika me'yorlari asosidagi tavsifi</i>	114
<b>Султонова Н.Э.</b>	<i>Ижтимоий ҳаётда фарзанд учун ота-она ибрати, меҳр- муҳаббати ва жамиятда тутган ўрни</i>	116
<b>Абдиев Ғ.Э.</b>	<i>Ёшлар сиёсий онгини ривожлантиришида миллий қадриятларнинг ўрни</i>	123
<b>Уринбоев Д.Т.</b>	<i>Ёшларда ҳуқуқий менталитетни шакллантиришининг фалсафий масалалари</i>	127
<b>Тоғасев Ш.Х.</b>	<i>Миллий гоя ва мафқуранинг фалсафий-онтологик мазмуни</i>	130
<b>Қалқонов Э.Т.</b>	<i>Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликни ривожлантиришининг ижтимоий фалсафий масалалари</i>	134
<b>Бобоқулов Ш.О.</b>	<i>Ер-ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида</i>	138
<b>Ғаффарова Ғ.</b>	<i>Фанлараро ёндашув йўналишлари: фалсафий таҳлил</i>	141
<b>Иззетова Э.М.</b>	<i>Интеграция научных дисциплин в контексте трансдисциплинарной методологии</i>	145
<b>Ботирова Х.Э.</b>	<i>Мустақиллик даврида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиши</i>	151
<b>Юсувалдиева Р.Ю.</b>	<i>Умумҳуқуқий тамойиллар – ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида</i>	155
<b>Равшанов А.С.</b>	<i>Қишлоқ ва сув ҳўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаш сиёсатининг концептуал асослари</i>	160
<b>Қандов Б.М.</b>	<i>Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишида ҳуқуқий таълимнинг ўрни</i>	164
<b>Қўйилев Т.,</b> <b>Рахмонбердиева Н.</b>	<i>Минтақа хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мезонидир</i>	168
<b>Ташметов Т.Х.</b>	<i>Миллий гояни ёшлар онгига сингдиришининг илмий-фалсафий жиҳатлари</i>	172
<b>Исмийилов А.З.</b>	<i>Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий онгининг фалсафий онтологик асослари</i>	176
<b>Адамбаев У.Х.</b>	<i>Аргументлаш ва ишонч-этиқоднинг шаклланиши</i>	180
<b>Махмудов М.,</b> <b>Бердиев А.</b>	<i>Маънавиятнинг ижтимоий омилларини оптималлаштириши – давр талаби</i>	184
<b>Ражабов Ж.</b>	<i>Жамият модернизациялашуви шароитида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни</i>	187
<b>Халилов Ж.,</b> <b>Ахмедов А.</b>	<i>Соглом авлод камолоти – ислоҳотлар мақсади</i>	190
<b>Маматқулов Э.</b>	<i>Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириши</i>	193

**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИНИНГ  
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

**Равшанов А.С.** –  
“ТИҚХММИ” МТУ ўқитувчиси

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ирригация соҳасининг ривожига жамият ва давлат учун ўта долзарб масалага айланаётганлиги бу соҳани ривожлантиришда илгор муҳандис-ирригатор кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этишга зарурат сезилмоқда. Чунки дунё мамлакатларида бир неча йиллардан буён сув ресурслари ва сув танқислиги масалалари халқаро аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви жаҳон мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик сув таъминоти даражасини пасайтира бошлади. Шу боисдан барча мамлакатларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам мазкур масала долзарб бўлиб қолмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари давлатнинг мудом диққат марказида бўлиб келмоқда” [1, 162].

Хусусан, ҳар йили 2 февраль куни жаҳон ҳамжамяти томонидан муҳим сана – Бутунжаҳон сув-ботқоқли ҳудудлар куни (World Wetlands Day) сифатида нишонланади. Бевосита ана шу доирада қабул қилинган Рамсар (Эрон) конвенциясига Ўзбекистон 2001 йилда аъзо бўлган.

Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамятининг эътиборини сув масалаларига, тоза ичимлик сувига талаб муҳимлиги, тоза ичимлик сувидан барқарор фойдаланиш услубларини тарғиб қилиш масалаларига жалб этиш мақсадида БМТ Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясининг (Рио де Жанейро шаҳри, 1992 йил) қарорига мувофиқ, ҳар йили 22 март - Бутунжаҳон Сув ресурслари куни (World Water Day) сифатида нишонланиб келинади. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 20 декабрда бўлиб ўтган 69-ялпи йигилишида қабул қилинган А/RES/65/154-сонли Резолюцияга мувофиқ 2013 йил “Сув бўйича ҳамкорлик халқаро йили” (International Year of Water Cooperation) деб эълон қилинди [2]. Унда сув бўйича БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, давлатлар ва манфаатдор томонларнинг кенг қамровли ҳамкорлиги ва мулоқотини кучайтириш масалалари атрофича ҳал қилинди.

Буларни инобатга олган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида давлат хизматининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, бу борадаги кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг самарали тизимларини ишлаб чиқариш масалалари долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда илгор халқаро тажриба асосида муҳандис-ирригатор кадрлар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муҳандис-ирригатор кадрлар етиштириб чиқарувчи Республикаси Олий таълим муассасалари фаолияти ҳам жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида юксак ижодий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қарашларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни шакллантиришга йўналтирилди. Бу ишларни ҳаётга мақсадли жорий этишда хорижий давлатлар билан ўзаро тажриба алмашишга алоҳида ургу берилмоқда.

Ҳозирги кунларда гидротехник иншоотларларни қуриш, уларни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, транспорт масалаларига кўп миқдорда молиявий моддий ва техникавий мададни олиб, ишлаб чиқариш жараёнларини қайта жиҳозлаш, янги технологиялар, машина, ускуналарни унга жорий қилиш, ижтимоий масалаларни унга мустақил ҳал этиш имкониятларига эга бўлиб бормоқдалар. Раҳбар мутахассис ходимларга фақат хўжаликнинг техникавий муаммоларинигина эмас, балки умуман истиқболи барча ишлаб чиқариш масалаларини мустақил ечиш учун кенг ҳуқуқий асослар яратиб берилган.

Янги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий вазият вужудга келтирган шундай эркин ижод шароитида муҳандис-ирригатор кадрларнинг сергайрат ва билимдон бўлишлари, ўз иқтидорларини ва қобилиятларини кенг намоён этишларининг имкониятлари бирмунча ортганлиги янги кадрлар сиёсатида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизнинг бугунги кундаги сув хўжалиги учун зарур ирригатор кадрларни тайёрлаш сиёсатининг концептуал асосларини таҳлил қилиш ушбу соҳанинг ривожланиш омиллари ва имкониятлари, унинг тақомилига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. Бу борада, олиб борилган кузатишлар ва илмий таҳлиллар натижалари шундан далолат берадики, сув хўжалигида янги воситалар ва инновацион технологиялардан фойдаланиш ишлаб чиқариш

самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ортишига ва энг асосийси ресурслар тежалишига эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Аммо бу соҳадаги инновацияларнинг барчасини ишга солиш ва исталган юксак натижадорликка эришиш учун замонавий фикрлайдиган, иқтидорли ва билимли ирригаторларнинг янги авлодини тарбиялаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан шуни англаш мумкинки, қишлоқ ва сув хўжалигига қанчалик янги, инновацион ресурслар, тежамкор ва самарадор технологиялар билан бирга, билимли ва иқтидорли ёш авлод ирригаторлари жалб этилса, бу шунчалик кўп ютуқларга эришилишига, ҳосилдорликнинг ортишига, иқтисодий фойда ва манфаатдорлик ортиб боришига, танқис сув ресурсларининг тежалишига сабаб бўлади. Буни биз нафақат қишлоқ ва сув хўжалигида, балки бошқа соҳаларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Республика иқтисодиётининг барқарор ва жадал тараққиётини таъминлашда келажак учун кенг қамровли, оқилона асосланган устивор вазифалар ва йўналишлар, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг режа ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизда шакллантирилаётган, кўпгина жабҳаларда чуқурлашиб бораётган янги бозор муносабатлари узлуксиз таълим тизимига, шу жумладан, иқтидорли, ташаббускор юқори маълакали кадрлар сони ва салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган олий таълим муассасалари фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш [диверсификациялаш - лот. *diversificatio* - ўзгариш, хилма-хил тараққиёт. <https://qomus.info>] даврида фуқаролар даромадлари, турмуш даражаси ва республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, натижада юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш мақсадида аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш билан биргаликда меҳнат ресурслари интеллектуал салоҳиятини ошириш вазифалари ҳам бугуннинг долзарб аҳамият касб этувчи масалалари қаторидан ўрин эгаллайди.

Шу маънода “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6024-сон фармони ушбу йўналишдаги жараёнларнинг концептуал асосларини белгилаб берган энг муҳим ҳужжатлардан биридир, дейиш учун барча асослар бор. Унга кўра, сув хўжалигидаги жорий вазият шундайки, мамлакатимиз сув хўжалигининг келажаги республиканинг сув ресурсларни бошқариш соҳасидаги ўз саъй-ҳаракатлари, сув манбаларининг сувлилик даражаси ва трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорлик каби муҳим омиллар билан белгиланади. Бу борада иқлим ўзгариши келажакда сув билан таъминланганлик ва сув хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи яна бир омил ҳисобланади. Сув билан таъминланганлик даражаси асосий дарёларда оқимнинг ва ер ости сувларининг камайиши туфайли пасаймоқда. Бу эса, келажакда барча иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган талабини қаноатлантириш мақсадида барча секторлар томонидан, айниқса, қишлоқ хўжалиги, аҳоли ва саноат томонидан сув ресурсларидан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланишни тақозо этади. Сув ресурсларидан интеграциялашган бошқарув тамойилларининг қўлланилиши оқим бўйлаб юқорида ва қуйида жойлашган сувдан фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек рақобатлашувчи сувдан фойдаланувчилар ўртасида сув етказиб бериш бўйича талабни қондиришда ўзаро мақбул ечимларни топиш зарурлигини кўзда тутаяди. Сувни тежаш бўйича асосий имкониятлар сугориладиган деҳқончилик соҳасига тааллуқли бўлиб, республикадаги сув истеъмолининг 90 фоизигача бўлган қисми унинг ҳиссасига тўғри келади. Фермерларга сувни еказиб бериш самарадорлигини ошириш, шунингдек аграр хўжаликлар даражасида ушбу сувдан фойдаланишнинг унумдорлигини ошириш борасида улкан салоҳият бор. Мавжуд инфраструктура ишдан чиқмоқда ва модернизациялашни талаб қилмоқда, эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш катта харажатларни, шу жумладан сугориш учун сувни чиқариб берадиган насос станцияларидан фойдаланишда электроэнергияга салмоқли харажатларни талаб этади [1].

Сув хўжалиги инфраструктурасининг техник ва иқтисодий ҳолати даражасининг пастлиги аграр ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда транзакция [Транзакция (ингл. -*transaction*, лот. *transactio* – битим, келишув, шартнома) – бу мантиқий маънога эга бўлган кичик операция бўлиб, уни фақат тўлиқ бажариш мумкин.] харажатлари ўсишида ўзининг аксини топмоқда. Сугоришга харажатлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш харажатлари структурасида сезиларли элементдир. Сув таъминоти ташкилотлари асосий воситаларининг техник ҳолати ёмонлашуви, сув йўқотишлари ҳажмининг доимий ўсиши ва қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига сув

етказиб бериш хизматларига харажатларнинг юқорилиги аграр ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сув таъминоти инфраструктурасининг техник ҳолатини яхшилаш, уни сақлаш ва ривожлантиришнинг маблаг билан таъминлашда давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

“Инфраструктура” термини тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, инфраструктура деганда моддий ишлаб чиқариш соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши ва инсон ресурсларини такрор ишлаб чиқаришга шарт-шароит яратиш учун зарур тармоқлар жамланмаси тушунилади[3].

Инфраструктура учун икки тарафлама таъсир этиш характерлидир. Биринчидан, унинг тармоқларини ривожлантирмасдан бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, ушбу тармоқларга капитал қўйилмалар, қоидага кўра, бу тармоқларни яратганларга фойда олиб келмайди, лекин иқтисодиёт хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасини кўпайтиради[4].

Агар инфраструктура соҳаси мазмунига анча чуқур қарайдиган бўлсак, инфраструктура тармоқлари нафақат ишлаб чиқариш (масалан, мелиорация, сугориш), балки ижтимоий аҳамиятга (қишлоқ ҳудудлари аҳолисини сув билан таъминлаш) ҳам эга.

Сув ресурсларини интеграциялашган бошқаришни, яъни барча сув манбаларини ҳисобга олишга, тармоқлараро ва сувдан фойдаланишнинг барча иерархия даражалари манфаатларини мувофиқлаштиришга, фойдаланилаётган сувнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминловчи барча сув истъеъмолчиларини кенг жалб этишга ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга асосланган сув ресурсларини бошқариш тизимини ташкил этиш зарур.

Бир вақтнинг ўзида талаб қилинган вақтда талаб этилган сув ҳажмини бериш имкониятини таъминловчи сув ресурсларини самарали бошқариш тизимини ташкил этиш лозим. Сув хўжалиги секторидида ҳуқуқий муносабатларни ҳамда сув ресурсларини тақдим этувчи ва истъеъмол қилувчи, бошқариш, назорат қилиш, сув хўжалиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни зарур[5].

Ўзбекистонда давлат томонидан молиялаштиришнинг етарли эмаслиги, сугориш тизимлари ва инфраструктураларидан фойдаланишнинг норматив муддати тугаганлиги модернизациялаш ва реконструкция қилиш ҳамда янги мелиоратив тизимларни қуриш учун сезиларли инвестициялар талаб этади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Mirziyoyev Sh. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To'ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: O'zbekiston nashriyoti, 2022. – 416.
2. “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6024-сон Фармони.
3. Юнусов Х., Маматова З. Трансчегаравий дарёлар ва йирик тўғонлар: таҳдидлар, талафотлар ва хавфсизлик чоралари. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – б. 7.
4. Simonis U. Infrastruktur, Theory und Praxis. U. Simonis Kiel, 1972. Pp. 76-80 p. Stein I. Public Infrastructure and Planing Management. I. Stein [ed.]. NewBuryPark, 1988. 22 p.
5. Власенко А.Н. Мелиорация – важнейший резерв интенсификации сельскохозяйственного производства в Сибири / А.Н. Власенко, Р.П. Воробьева // Москва. Мелиорацияиводноехозяйство. – 2004. - №2. С. 4-6. Ford R. Infrastructure and Private-Sector Productivity.R. Ford.Paris, 1991. 277 p.
6. Irrigatsiya va melioratsiya журнали. – Тошкент, 2019. - №2 (16), -Б. 44.

#### РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати инсон ҳаёти учун, аввало унинг соғ-саломатлиги учун, соғлом меҳнат қилиб, ўзи орзу қилган ютуқ, муваффақият, мақсадларга етиб яшаши учун энг муҳим, энг бебаҳо, энг зарур бўлган буюк инъом – ер-сув, атроф-муҳитга бўлган соғлом эҳтиёж ва муносабатларнинг тўхтовсиз давом этиши каби масалалар илмий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Ирригация, сув ресурсларини бошқариш, кадрлар сиёсати, маънавий-ахлоқий, инновация, диверсификация, интеграция, модернизация, инфраструктура.

**РЕЗЮМЕ:**

Государственная политика в области сельского и водного хозяйства - самый важный, бесценный, самый необходимый великий дар для жизни человека, в первую очередь, для его здоровья, здорового труда, достижения его мечты, успеха, целей. Такие вопросы, как вода, здоровая потребность в окружающей среде и непрерывность взаимоотношений, были проанализированы в данной статье с научной точки зрения.

**Ключевые слова:** Ирригация, управление водными ресурсами, кадровая политика, духовно-нравственный, инновация, диверсификация, интеграция, модернизация, инфраструктура.

**RESUME:**

In this article, the state policy in the field of agriculture and water management is the most important, invaluable, most necessary great gift for a person's life, first of all, for his health, healthy work, achieving his dreams, success, goals. issues such as water, a healthy need for the environment and continuity of relationships were scientifically analyzed.

**Key words:** Irrigation, water resources management, personnel policy, spiritual and moral, innovation, diversification, integration, modernization, infrastructure.